

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИДА ТАРБИЯЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ**  
Республика илмий-онлайн конференция материаллари тўплами

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ  
ДИРЕКТОР ВА МУТАХАССИСЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИДА  
ТАРБИЯЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ**  
Республика илмий-онлайн конференция  
материаллари тўплами

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ  
ДИРЕКТОР ВА МУТАХАССИСЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИДА  
ТАРБИЯЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ**

**Республика илмий-онлайн конференция  
материаллари тўплами**

**Тошкент-2020**

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Илмий-методик кенгаши йиғилишининг **23-октябр 2020-йилдаги 7-сонли баённо-маси** асосида нашрга тавсия этилган.

**Мухаррирлар:**  
**Насиба Эрхонова,**  
**Зухра Рўзиева**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР  
ВА МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**“МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ ВА НАЗАРИЯСИ”  
ЖУРНАЛИ**

**Республика илмий-онлайн конференцияси илмий мақолалари  
ТЎПЛАМИ**

Амалиётда фойдаланиш учун ҳамда илмий ходимлар учун қулай бўлган мазкур қўлланмадан фойдаланиб мактабгача таълим тизимида фаолиятини олиб бораётган мутахассислар, амалиётчилар, тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар соҳага тегишли янгиликлар, илмий тадқиқотлардан хабардор бўлишади. Мазкур тўпلامдан соҳага тегишли 100 га яқин илмий-амалий мақолалар ўрин олган.

**Такризчилар:**

Наргиза Абдуназарова,

п.ф.н., доцент,

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти проректори

Нафиса Абдуллаева,

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти “Мактабгача ва мусикий таълим” кафедраси мудири, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРГА МАНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ БЕРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Гуллола Рахмонова, БухДУ  
Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада мактабгача таълим ёшидаги болаларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг муҳимлиги ва уларни маънавий, маданий, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий, соғлом, баркамол авлод қилиб вояга етказиш ҳақида ёритилган.

**Калит сўзлар:** маънавий, ахлоқий, маънавий-ахлоқий тарбия, ҳуқуқий, иқтисодий, баркамол авлод, таълим, жамоа, шахс.

В статье рассматривается важность духовно-нравственного воспитания дошкольников и их воспитания как духовного, культурного, нравственного, правового, экономического, здорового, гармонично развитого поколения.

**Ключевые слова:** духовное, нравственное, духовно-нравственное воспитание, правовое, экономическое, гармонично развитое поколение, образование, общность, личность.

This article discusses the importance of spiritual and moral education in preschool children and their upbringing as a spiritual, cultural, moral, legal, economic, healthy, harmoniously developed generation.

**Keywords:** spiritual, moral, spiritual and moral education, legal, economic, harmoniously developed generation, education, community, individual.

Ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти, истиқболи, фаровонлиги, маънавий юксалиши жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлар каторидан жой олиши – юқори интеллектуал салоҳиятли, қал-

бига ва онгига эзгу фазилатларни мужассамлаган ёшларга боғлиқ бўлиб, ҳар жиҳатдан етук ва баркамол, ватан тақдири учун сидқидилдан хизмат қиладиган, фидойи, иймонли авлодни вояга етказиш, ўқитишни сифатли ва мазмун жиҳатдан юқори поғоналарга олиб чиқиш тарбиячи мураббийлар зиммасига шарафли, масъулиятли вазифани юклайди. Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис етадиган ким, албатта, ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айна пайтда, ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деганда ва уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин.

Ахлоқ сўзи – лотинча «морос», яни морал, мантиқ сўзидан келиб чиқиб, у ҳеч қаерда қатъий ёзиб қўйилмаган ижтимоий қонундир. Инсон кундалик ҳаётида ундан (ахлоқ нормаларидан) норма сифатида фойдаланади. Ахлоқий тарбия нормалари ҳар бир жамиятнинг ҳуқуқий нормаларига асос бўлади. Ахлоқий тарбияда киши ахлоқий билимларни ўзлаштирибгина қолмай, ҳар қандай вазиятларда ўзини ана шу нормаларга муносиб тута оладиган кишилар ахлоқий тарбияланган ҳисобланади. Ахлоқий тарбияланган кишида барқарор маънавий мотивлар шаклланган бўлади. Бу мотивлар эса ўша кишини жамиятда муносиб хулқ-атворга рағбатлантиради. Ёш авлодни жамиятга, меҳнатга, ўзига муносабатни очиб берувчи маънавий фазилатларга мувофиқ равишда тарбиялаш тарбияланувчи шахсни, ахлоқий тарбиянинг педагогик ва психологик асосларини чуқур билишни талаб қиладиган мураккаб жараён дир. Ахлоқий билимларни онгли равишда ўзлаштириб олишгина ўқувчиларга атрофдаги кишилар хатти-ҳаракатидаги қайси жиҳатлар яхши-ю, қайсилари ёмон эканлигини англаб олишга ёрдам беради.

Ахлоқ ижтимоий онг шакллари дан бири бўлиб, муайян жамиятда яшовчи кишилар амал қилиши зарур бўлган маълум

хагги-ҳаракат қоидалари йиғиндисидир. Ахлоқ одамларнинг бир-бирига, жамиятга, давлатга, халқ мулкига, оилага муносабатини муайян тартибга соладиган хагги-ҳаракат қоидалари тизимида намоён булади. Ахлоқ - кишининг ички олами, эътиқоди, фазилатлари сифатида мавжуд бўлса, одоб – шахснинг кўзга ташланадиган мулозамати, хулқ-атвори, муомала-муносабатларида намоён бўлади.

Қадимги файласуфлар, донишмандлар ижодида одоб-ахлоқ маласалари марказий ўринни эгаллаб келган. Улар ахлоқ-одобни жамиятнинг «пойдевори» деганлар. Шунинг учун жамиятнинг ҳар бир аъзосининг хулқи-одобига алоҳида эътибор билан қаралади.

Муқаддас Қурони Каримда ва пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг ҳадисларида инсоний ахлоқ-одобнинг барча қирралари ўз ифодасини топган. Қуйидаги ҳадисларни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин: «Фарзандларингизни иззатикром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангизлар», «Мен барча яхши ахлоқни такомиллаштириш учун юборилганман», «Мўмин кишида қуйидаги икки ҳислат бўлмаслиги керак: бахиллик ва ахлоқсизлик».

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббат-ул-ҳаққойик» асари таълимий-ахлоқий йўналишда ёзилган бўлиб, билимлилик, адолат, саховат каби ҳислатлар улуғланади, етук инсонни тарбиялаш гоёси илгари сурилади.

Амир Темур «Ахлоқи ҳусния» – яхши хулқлар эгаси бўлган. У оқил ва тадбирли саркарда сифатида одамларни ишга тайинлашда ҳам, вазифасидан озод этишда ҳам шошма-шошарлик ва адолатсизликка йўл қўймаган.

Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд Ахлоқ» китобининг «Ҳаққоният» деб аталган бобида ростлик ва тўғри сўзликни инсоннинг энг инсоний сифатларидан бири деб ҳисоблайди. У бола тарбиясида ўсаётган шарт-шароит ва тарбиянинг ролига алоҳида эътибор берилади.

---

---

А.Навоий ижодида ҳам ахлоқ-одоб масалаларига катта аҳамият берилган. «Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча одамлар учун ёқимлироғидир» - дейди мутафаккир А.Навоий. А.Навоийнинг «Маҳбуб-ул қулуб» асарида одоб, ахлоққа оид ғоялар илгари сурилган, инсонпарварлик ғоялари улуғланган.

Мактабгача тарбия даври боланинг маънавий шаклланашида энг муҳим босқичидир. Шу даврда маълум мақсадга қаратилган таълим-тарбия таъсирида шахснинг ахлоқий сифатлари шакллана бошлайди. 6-7 ёшда ижобий хулқ нормаларининг анча барқарор шакли юзага келади. Бола атрофдагилар билан бўладиган муносабатларида эгаллаб олган ахлоқ нормаларига асосланган ҳолда иш тутадиган бўлиб қолади. Шунинг учун болаларга илк ёшдан бошлаб ахлоқий тарбия бериш муҳимдир.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш вазифаси ва мазмуни боланинг маънавий дунёсини, унинг онгини, ахлоқий ҳисларини, шахсий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришни тақозо этади.

Ахлоқий билим бериш бир қанча тарбиявий вазифаларни бажаради, инсон ҳаёти ва маданиятининг ахлоқий қадриятлари тўғрисида кенг тасаввур тушунчалар беради.

Ахлоқий тасаввурлар, қараш, мулоҳаза, баҳо бериш каби тушунчаларни шакллантиришга ва шу асосда ахлоқий эътиқодни юксалтиришга таъсир кўрсатади, яъни:

Болаларни ўзларининг ахлоқий тажрибаларини мушоҳада қилишлари ва бойитишларига ёрдам беради;

Шахсни ўзини ахлоқий тарбиялашга замин яратади.

Мактабгача таълим ташкилотларида ахлоқий тарбия бериш ҳар хил воситалар ёрдамида амалга оширилади. Биринчи галда болаларни ҳар хил фаолиятлар воситасида катталар меҳнати билан таништириш, машғулотларда ва машғулотлардан ташқари вақтларда, таълим бериш орқали амалга оширилади.

Ҳар хил байрамлар, ижтимоий ҳаёт воқеалари, болалар адабиёти, мусиқа, ўйин материаллари, оммавий ахборот воситала-

ри – ойнаижаҳон, радио ва бошқалар болаларнинг ахлоқий тарбиясига катта таъсир кўрсатади.

Кичик ёшли болалар ахлоқий тасаввур ва билимларни фақат ўйин машғулотида яхши ўзлаштириб оладилар. Болалар томонидан ўзлаштириб олинган ахлоқий тасаввурларни улар онгли равишда тушуниб етишлари дастлаб машғулотларда, кейинчали кўйин, меҳнат жараёнларида, сайрда, мустақил фаолиятлар орқали амалга оширилади.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларга ахлоқий тарбия беришда ҳар хил метод ва усулларни қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ахлоқий тарбия методлари – болаларнинг ахлоқий тасаввур ва билимларни эгаллаб олишга қаратилган фаолият усулидир. Ахлоқий тарбия методларида болаларнинг яхшилик, ёмонлик тўғрисидаги тасаввурларини эътиборга олинади, ахлоқий хулқ-атвор нормаларини муҳокама қилиш учун махсус яратилган вазиятда болаларнинг ўзларини фаол қатнаштиради, ҳар бир боланинг ҳис-туйғусига эҳтиётлик билан муносабатда бўлади.

Мактабгача ёшдаги болаларда тарбияланадиган ахлоқий хусусиятлар, хулқ-атвор қоидалари орасида инсонпарварлик муҳим ўрин тутди. Инсонпарварлик ҳисси ахлоқ нормалари ва қоидаларини ўргатиш асосида ривожланади.

Бунинг учун болаларни яхши ишларни қилишга ўргатиб бориш керак. Инсонпарварликни тарбиялашда болаларнинг ёшини эътиборга олиш зарур. Бу ёшдаги болаларни яхши ишлар қилишга ўргатилади: йиқилиб тушган болани турғазиб қўйишга ёрдам бериш, унинг устки кийимларини қоқиб қўйиш, юпатиш, ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилиш, ўйинчоғини ўртоғига бериб туриш, тик турган кишига жой кўрсатиш, энг муҳими бошқаларга кўрсатилган хизматдан хурсанд бўлишга ўргатади.

Софдиллик ва ростгуйликни тарбиялаш ёлғончилик ва виждонсизлик пайдо бўлишининг олдини олиш ва унга қарши кураш билан узвий боғлиқдир.

Баъзи болалар ўзлари тўқиган, катталардан эшитган эртакларини тушларида кўргандек қилиб кўрсатишга уринадилар.



Бундай ҳолда ҳам урушмасдан «Эртак» тўқишни яхши билгани учун мақташ керак.

Шундай қилиб, болалардаги характернинг ижобий намуналарини, уларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ахлоқий тарбиянинг ҳамма самарали усуллари билан тарбияланиб борилса, ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Ватанпарварликни тарбиялаш.

Ватанпарварлик ижтимоий, тарихий ва ахлоқий ҳис-туйғулар сифатида одамнинг ижтимоий тараққиёти давомида пайдо бўлади. Даврлар ўтиши билан бу туйғу буюк қудратга айланди.

Ватанга муҳаббатни тарбиялаш.

Ватанга муҳаббат – энг чуқур ижтимоий ҳислардан биридир. Шунинг учун бу ёшдаги болаларда ватанга муҳаббат ҳиссини, уларга яқин ва таниш бўлган аниқ фактлар, ёрқин мисоллар орқали тарбиялаб борилади.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ш.М. Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. А.Темурўғитлари. –Т.: Наврўз, 1992
3. Хасанбоева.О.У.ва бошқалар. “Мактабгача таълим педагогикаси”.Т., «Илм зиё» 2006 й.
4. Ш.А.Содиқова “Мактабгача педагогика”. “Тафаккур сарчашмалари” Т.:2013 й.

Бола ҳаётида эртакнинг ўрни.....	77
Жалоллиддин мангуберди тимсоли билан таништириш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш.....	80
Мтгда тарбияланувчиларни тасвирий фаолиятга ўргатишнинг замонавий усуллари.....	85
Мактабгача таълим ташкилотларида замонавий методлардан фойдаланиш.....	90
Специфика работы созданные в группах центров деятельности.....	94
Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларга тасвирий фаолиятни ўргатишнинг замонавий усуллари.....	101
МТТда инглиз тилини ўргатишнинг ўзига хосликлари.....	106
Нутқ ривожлантиришда янгича методлар билан ишлаш.....	110
Дефектолог фаолиятида инновацион технологиялардан фойдаланиш усуллари.....	103
Работа с родителями в детском саду.....	115
Нутқ нуқсонларининг келиб чиқиш сабаблари.....	124
Кўришда нуқсон бор болалар нутқини ривожлантириш.....	130
Тасвирий фаолият тури орқали болаларда майда моторикани ривожлантириш.....	133
Нон – ризку рўзимиз.....	137
Мактабгача ёшдаги болаларни экологик тарбиялашнинг ўзига хослиги.....	141
Мактабгача таълим ёшидаги болаларга манавий-ахлоқий тарбия беришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	143
Хавотирланиш ҳолатларини мактабгача тарбия ёшида намоён бўлишининг ўзига хослиги.....	149
Интерактивное обучение в дошкольном образовании.....	155
Мактабгача таълим ташкилотларида эбрунинг қўлланилиши.....	162
Мактабгача ёшдаги болаларга экологик таълим-тарбия бериш усуллари.....	164
Мактабгача таълим ташкилотида таъсвирий фаолиятни ўргатишнинг замонавий усуллари.....	169